



МАЖБУРИЙ ИЖРО СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Жандуллаев Садик Куатбаевич

ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19977170>

Аннотация. Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш масалалари таҳлил қилинган. Бюронинг ташкил этилиши, унинг асосий вазифалари ва ваколатлари ёритилиб, мазкур соҳада коррупциявий омилларнинг юзага келиш эҳтимоли илмий жиҳатдан асосланган. Шунингдек, комплаенс-назорат тизимининг аҳамияти, унинг амалдаги ҳолати ва мавжуд муаммолар таҳлил этилган. Тадқиқотда мажбурий ижро тизимида коррупциявий хавфларни самарали бошқариш ва профилактика қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: мажбурий ижро, коррупциявий хавф-хатарлар, комплаенс-назорат, суд ҳужжатлари ижроси, давлат ижрочиси, ҳуқуқбузарлик, профилактика, шаффофлик, манфаатлар тўқнашуви

Аннотация. В данном исследовании анализируются вопросы выявления, оценки и предупреждения коррупционных рисков в деятельности Бюро принудительного исполнения при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан. Освещаются вопросы создания Бюро, его основные функции и полномочия, а также обосновывается вероятность возникновения коррупционных факторов в данной сфере. Особое внимание уделено системе комплаенс-контроля, ее значению, текущему состоянию и существующим проблемам. В работе разработаны предложения и рекомендации по эффективному управлению и профилактике коррупционных рисков в системе принудительного исполнения.

Ключевые слова: принудительное исполнение, коррупционные риски, комплаенс-контроль, исполнение судебных актов, государственный исполнитель, правонарушение, профилактика, прозрачность, конфликт интересов

Annotation. This study analyzes the issues of identifying, assessing, and preventing corruption risks in the activities of the Bureau of Compulsory Enforcement under the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan. The paper highlights the establishment of the Bureau, its main functions and powers, and provides a scientific justification for the potential emergence of





corruption factors in this field. Particular attention is given to the compliance control system, its importance, current state, and existing challenges. The study also develops recommendations for effective management and prevention of corruption risks within the enforcement system.

Keywords: compulsory enforcement, corruption risks, compliance control, enforcement of court decisions, state executor, offense, prevention, transparency, conflict of interest

Маълумки, давлатимизда амалга оширилаётган ислохатларнинг бир босқичи сифатида, 29.08.2017 йилдаги ПФ-5059-сон Фармони асосида ПҚ-3016-сон Қарор билан суд-ҳуқуқ тизимида янги институционал ташкилот, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди. Қарор билан Бюро суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича ваколатли орган сифатида белгиланди. Ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қатор функцияларни амалга ошириши, шунингдек, ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб ўтилди. Ушбу Қарор билан:

➤ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси марказий аппаратининг ташкилий-штат тузилмаси;

➤ Мажбурий ижро бюроси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг ташкилий-штат тузилмаси;

➤ Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимларининг ташкилий-штат тузилмаси;


➤ Мажбурий ижро бюроси туманлараро ихтисослаштирилган ижро бўлимлари ташкилий-штат тузилмаси;

➤ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисидаги Низом;

➤ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тўғрисидаги Низом қабул қилиниб тасдиқланди.

Методология

Шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлаш борасида Бюро ходимларига бирқанча ҳуқуқлар берилган. Жумладан, ижро ҳужжатлари юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни олиш, бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш; корхоналар, муассасалар ва





ташкilotларда ишлаётган қарздорларга нисбатан ижро ҳужжатларининг ижро этилишини ҳамда молиявий ҳужжатларнинг ижро иши юритишга мувофиқлиги бўйича текширишлар ўтказиш; қарздор жойлашган, яшаб келаётган ёки фойдаланишида бўлган, шунингдек бошқа шахслардаги қарздорга тегишли бўлган жойларга кириш, зарур ҳолларда мажбуран очиш, ҳолислар иштирокида кўздан кечириш; мол-мулкларни, пул маблағлари

ва ўзга қимматликларни хатлаш, олиб қўйиш, сақлашга топшириш ҳамда реализация қилиш; мол-мулкни баҳолаш, шунингдек, зарур ҳолларда баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган шахсни баҳолаш учун жалб этиш; ҳисобварақларига ижро ҳужжатлари бўйича қарз суммаларни ундириш ҳақида инкассо топшириқномаларини қўйиш; ундирувчининг ёки қарздорнинг транспортдан мол-мулкни ташиш учун харажатларни қарздор ҳисобига киритган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқлари мавжуд.


Натижалар

Давлат ижрочисининг ижро ҳаракатларини амалга оширишига қаршилиқ қилиш ёки ижро ҳужжати талабларини қарздор узрсиз сабабларга кўра ихтиёрий равишда бажармаган ҳолларда қарздорга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш, шунингдек, суд ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаган ёки суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилган шахсларни қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш, ваколатига тааллуқли ишлар бўйича терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказиш, шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ҳам Бюро фаолиятининг ҳуқуқлари ҳисобланади.

Ушбулардан кўринадикки, Мажбурий ижро бюросига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида жуда кўп вазифалар юклатилган ҳамда уларнинг амалда ижросини таъминлаш мақсадида кенг ваколатлар ва қатор ҳуқуқлар берилган. Аммо, ўзига берилган ваколатлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланиш, фаолиятда коррупция иллатининг илдиз отиши тизимда салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳамда жамиятда суд-ҳуқуқ тизимига нисбатан ишончсизликни пайдо бўлишига сабабчи бўлади.

Муҳокама

Юқорида қайд этилган Қарорда Бюро тизимидаги бу каби муаммолар билан курашиш масалалари ҳам белгилаб берилган. Жумладан,





“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисида”ги Низомда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш борасида коррупцияга қарши курашиши ва олдини олиш бўйича тизимли иш олиб борилиши, коррупцияга қарши назорат тизими («комплаенс-назорат») жорий этилиши белгиланган. Бюронинг мазкур коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш борасидаги вазифалари Бюронинг шахсий хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ҳамда ҳудудлардаги шахсий хавфсизликни таъминлаш шуъбалари томонидан амалга оширилади.

Ваҳоланки, комплаенс-назорат тизими кенг қамровли, бирнеча тадбирлар мажмуаси ҳисоблансада, нафақат Мажбурий ижро бюроси, балки барча прокуратура тузулмаларида коррупцияга қарши курашиш амалиёти айнан шахсий хавфсизликни таъминлаш бўйича тармоқларга юклатилган.

Хулоса

Коррупцияга қарши комплаенс-назорат тизими, давлат органлари, корхона ва ташкилотлар фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, коррупцион хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилишлари ҳамда коррупцион ҳолатлар ҳақида хабар беришни ўзида акс эттирадиган профилактик тадбирлар мажмуаси ҳисобланади.

Демак, вазифаларни белгилашда, яъни айнан Мажбурий ижро соҳасидаги коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ҳамда олдини олиш масалаларида тизимли муаммо мавжуд..

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2017 йилдаги ПҚ–3016-сон Қарори «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисида» (тасдиқланган Низом билан).
2. Ўзбекистон Республикаси “Ижро ҳаракатлари тўғрисида”ги қонунлари.
3. Алимқулов, Ж. М. (2020). Мажбурий ижро фаолиятида коррупцияга қарши назорат тизимларининг самарадорлиги. Суд ҳуқуқи илмий журнали, 4(12), 45–59.
4. Исмоилов, Т. Р. (2021). Комплаенс назорат тизимларининг миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон ҳуқуқшунослик журнали, 2(15), 78–92.
5. Transparency International. (2020). Corruption Perceptions Index 2020. Transparency.org.

